
ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИДА ҚУВА ТУМАНИДА ҲАРБИЙЛАРГА МАЪМУРИЙ БИНО ВА ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Бугун 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизни ташкил топганлигининг 31 йиллиги байрами муносабати билан Қува тумани Анорзор қишлоғидаги ҳарбий қисмда Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари учун қуриб битказилган янги маъмурий бино, ижтимоий инфратузилма обьектлари ҳамда хизмат уйларини фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими, вилоят ҳарбий-маъмурий сектори раҳбари Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминловчи органлари раҳбарлари, ҳарбий хизматчилар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Вилоят ҳокими ҳарбийларни байрам билан қутлаб, Президентимиз томонидан бошланган ислоҳотлар ҳарбий соҳада ўз ижобий натижасини кўрсатаётгани, ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилиб, жойларда давлат ҳокимиияти органлари ҳам мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашда фаол иштирок этиб келаётгани ҳақида тўхталиб ўтди.

Кўплаб ҳарбий қисмларда, чегара қисмларида замонавий талаблар асосида янги биноларни барпо этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилгани таъкидланди.

Чегара қўриқлаш взводи ҳарбий хизматчиларига 2 қаватли маъмурий бино ва 3 қаватли 24 хонадонли янги турар-жойни фойдаланишга топширилиши ҳам ҳарбийларга эътибор ва рағбатнинг яна бир намунаси сифатида қайд этилди. Ҳудудда барпо этилган стадион, болалар ўйингоҳи ва бошқа обьектлар ҳарбийларга ва уларнинг оиласалари қулайликлар яратиши айтиб ўтилди.

Шундан сўнг 2 ва 3 хонали янги квартиralар калитлари ўз эгаларига тантанали топширилди. Аскар ва офицерларга, курсантларга совғалар ва китоблар ҳам тақдим этилди.

Манзилдаги шарт-шароитлар билан танишилиб, уй эгалари билан сухбатлашилди. Нуроний отахонлар дуога қўл очиб, юрга тинчлик-осойишталик, оиласаларга қут-барака тиладилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-14 19:22:08